



АЗАЛИЙ ҚАРДОШЛИК ВА ЕЛҚАДОШЛИК ИФОДАСИ

29 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Туркменистонда бўлди.



Ашхобод халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — ташқи ишлар вазири Рашид Мередов кутиб олди.

Ашхобод шаҳрида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Туркменистон етакчисига отаси Маликгули Бердимухамедовнинг вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқи ва шахсан ўз номидан яна бир бор чуқур ҳамдардлик билдирди.

Маликгули Бердимухамедов туркман халқининг содиқ фарзанди ва ҳақиқий ватанпарвар бўлгани, ўз юртининг равнақиға улкан ҳисса қўшгани таъкидланди.

Туркменистон Президенти ҳамдардлик учун ташаккур изҳор этиб, биродар ўзбек халқи ва унинг етакчиси ушбу муносабати дамларда далда бўлаётгани юксак баҳолаши ва қадрлашини алоҳида қайд этди.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Туркменистон Президентлари икки томонлама ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон етакчиси Гурбангули Бердимухамедовни Туркменистон Миллий Кенгашининг Халқ Маслаҳати раиси этиб сайлангани билан табриклади, бу мамлакат тараққиёти йўлида амалга оширилаётган сиёсат Туркменистон халқи томонидан қатъий қўллаб-қувватланаётганининг ёрқин далили эканини таъкидлади.

Пандемия билан боғлиқ мураккаб даврда Ўзбекистон — Туркменистон муносабатлари ижобий суръат билан ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳажми уч баробардан зиёдга кўпайди ва ўтган йил якунларига кўра, 530 миллион долларга етди, 150 дан ортиқ қўшма корхона ташкил этилди.

Шу билан бир қаторда, савдо, инвестициялар, саноат кооперацияси бўйича, энг аввало, транспорт, энергетика, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида мавжуд салоҳиятни янада тўлиқ ишга солиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Халқаро транспорт ва транзит йўлагини яратиш тўғрисидаги Ашхобод битимини бундан буён ҳам биргаликда илгари суриш, шунингдек, Хитой — Марказий Осиё — Жанубий Кавказ — Туркия мултимодал маршрутнинг самарали ишлатилишини таъминлаш ва транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни давом эттиришга томонлар тайёр экани таъкидланди.

Музокараларда халқларимиз яқинлигининг энг муҳим омилли сифатида маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақамлаш долзарб экани яна бир бор қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Туркменистон раҳбарига унинг халқларимиз ўртасидаги биродарлик муносабатларининг наватдаги ёрқин рамзи сифатида Ашхобод шаҳрида “Тошкент” боғини ташкил этиш ташаббуси учун алоҳида миннатдорлик билдирди.

Ҳамкорликни кенгайтириш ва янги ўсиш нуқталарини излаш мақсадида яқин вақтда Тошкент шаҳрида Савдо-иқтисодий, илмий-техник ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркменистон ҳукуматлараро комиссиясининг наватдаги йиғилишини ўтказишга қарор қилинди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Туркменистон етакчилари икки мамлакат халқларининг кўп асрлик дўстлик ва яхши кўшничлик ришталарини янада мустақамлаш йўлида ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойиллари асосида стратегик шериклик муносабатларини изчил мустақамлашда қатъий эъқанликларини таъкидладилар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов “Туркманбоши руҳи” мажмуасига ташриф буюрди.

Туркменистоннинг биринчи Президенти Сапармурат Ниёзов мақбараси зиёрат этилди. Утганлар ҳақида Куръон суралари тиловат қилинди. Мажмуа яқинида Туркменистон Президентининг отаси Маликгули Бердимухамедов хотирасига бағишлаб ифтор дастурхони ёзилди. Тадбирда икки мамлакат муфтийлари, уламолар, ёшуллар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида Маликгули отанинг вафоти муносабати билан халқимиз номидан чуқур таъзия билдирди. Марҳумнинг ибратли ҳаёти, самарали фаолияти, савобли ишлари ёдга олинди.

— Ўзбек ва туркман халқлари қадимдан бир-бирига елкадош бўлиб, дўст ва биродар бўлиб яшаб келмоқда. Буюк мутафаккир Махтумқулнинг: “Фиронийнинг икки кўзи бор, Бири туркман бўлса, бири ўзбеким, деган ўлмас сатрлари ҳам бунни тасдиқлайди. Бугунги хотира маросими ҳам ана шу азалий қардошлик ва биродарлигимизнинг яна бир амалий намоянидир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Руздорлар Аллоҳ толодан дунёга тинчлик, саломатлик, халқларимизнинг дўстлиги ва қардошлиги мустақам бўлишини тилаб дуолар қилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг амалий ташрифи якунланди. Давлатимиз раҳбарини Ашхобод халқаро аэропортида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов кузатиб қўйди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХХР ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

29 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида давлат раҳбарлари бўлажак муҳим саналар муносабати билан бир-бирини самимий табриклаб, эзгу тилақлар билдирдилар. Жорий йилда ХХРда Хитой Коммунистик партияси ташкил топганининг 100 йиллиги, мамлакатимизда эса Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги кенг нишонламоқда. Етакчилар дўст халқларимизга тинчлик, фаровонлик ва раванқ тиладилар.

Мулоқотда икки томонлама ва халқаро кун тартибининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон — Хитой дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларида юксак даражага эришилгани, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

ХХР Раиси Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва янгиликларни юқори баҳолади ва уларни қўллаб-қувватлашини билдирди. Камбағалликка қарши курашиш бўйича Хитойда тўпланган катта тажрибани чуқур ўрганиш масаласида яқиндан ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемиясига қарши курашда қўрсатилган амалий ёрдам учун ХХР етакчиси самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон ва Хитойнинг ваколатли идора ва ташкилотлари солиқни сақлаш соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустақамлаб, аҳолини оммавий эмлаш бўйича биргаликдаги самарали ишларни кенгайтирадилар.

Ўзбекистон Президенти “Ягона Хитой” сиёсатини ҳамда “уч ёвуз куч” — терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатларини доимо қўллаб-қувватлашини яна бир бор таъкидлади.

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасидаги самарали мулоқот, шу жумладан, минтақада муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни, улар қаторида “ХХР — Қирғизистон — Ўзбекистон” автомобиль ва темир йўлларини куриш лойиҳасини илгари суриш ишлари давом этаётгани қайд этилди. Ўзбекистоннинг Марказий ва Жанубий Осиё ўзаро боғлиқлигини мустақамлаш бўйича таклифи қўллаб-қувватланди.

Етакчилар савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Мураккаб шароитларга қарамадан, пандемиянинг салбий оқибатларини камайтириш ва жорий йил бошидан ўзаро савдонинг 33 фоизга ўсишини таъминлашга эришилгани таъкидланди. Муҳим қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш давом этмоқда. Мамлакатларимиз яқин йилларда

товар айирбошлаш ҳажмини 10 миллиард долларга етказиш, шунингдек, экспорт ва импорт кўрсаткичларининг мутаносиблигини таъминлаш сари муваффақиятли ҳаракат қилмоқдалар. Ўзбекистон Шанхай шаҳрида ўтадиган наватдаги Импорт маҳсулотлари Хитой халқаро кўргазмасида фаол иштирок этади.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Хитой етакчи корхоналарининг турли тармоқлардаги кооперациясини кучайтириш, шунингдек, иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларидаги лойиҳаларни илгари суришда ўзаро кўмаклашиш зарурлигини қайд этдилар. Кенг қўламли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик бўйича ўрта муддатли қўшма дастурни тайёрлаш ва қабул қилиш юзасидан келишувга эришилди.

Мамлакатимиз етакчи банк-молия институтларининг Хитой Давлат тараққиёт банки ва Эксимбанки, Ипак йўли фонди билан ҳамда халқаро молиявий ташкилотлар доирасидаги шериклигининг бугунги даражаси юксак баҳоланди.

Етакчилар Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро кўмитаси фаолиятини кучайтириш ва яқин фурсатда унинг наватдаги мажлисини ўтказиш топширигини бердилар.

Парламентлараро алоқаларни давом эттириш, икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги фаол алмашинувларни қайта тиклаш, маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик дастурларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Сўхбат чоғида халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар, шу жумладан, “Хитой — Марказий Осиё” форматидagi ҳамкорлик юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги кўп томонлама муносабатлар ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш, мамлакатимизда ушбу ташкилотнинг саммитини ўтказиш масалалари муҳокама қилинди. ШХТ Мулоқот гуруҳининг Афғонистондаги тинчлик жараёнига кўмаклашиш ва ушбу мамлакатни иқтисодий тиклашдаги муҳим ўрни қайд этилди.

Етакчилар бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини кўриб чиқдилар ҳамда режадаги ХХР Раисининг Ўзбекистон Республикасига ташрифиға кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантириш, кўп асрлик мустақам дўстлик ришталари ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустақамлашда муҳим тарихий аҳамият касб этадиган воқеа сифатида пухта тайёргарлик куриш муҳим эканини қайд этдилар.

Ўзбекистон Президенти ва ХХР Раисининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек, очик, дўстона ва ўзаро ишонч руҳида ўтди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БОКСНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёшларнинг боксга бўлган оммавий қизиқишини инobatга олиб, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) тизимини янада такомиллаштириш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва уларнинг моддий рағбатлантирилишини яхшилаш, шунингдек, ўзбек боксининг дунёдаги етакчилигини сақлаб қолиш ва давом эттириш мақсадида:

1. Қўйидагилар боксни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

боксни аҳоли ўртасида энг оммавий спорт турларидан бирига айлантириш, иқтидорли

спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш;

бокс инфратузилмасини янада ривожлантириш ҳамда халқаро талабларга мослаштириш, бокс мактабларини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида кўпайтириш;

бокс бўйича профессионал тренерлар ва ҳакамларни тайёрлаш тизимини ривожлантириш, ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, илмий-методологик базани янада кучайтириш;

Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жисмоний тайёргарлик машғулотларига боксни босқичма-босқич киритиш;

ўзбек боксининг дунёдаги етакчилигини сақлаб қолиш ва давом эттириш юзасидан зарур чораларни кўриш;

аёллар боксини ривожлантириш юзасидан узоқ йилларга мўлжалланган истиқболли режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

спорт таълим муассасаларида бокс бўйича давлат буюртмаси параметрларини ошириш.

Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ

ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҚУЛАЙ ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ



Нозим ҲУСАНОВ, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири

Давлатимиз раҳбари жорий йил 28 апрель куни “2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги қарорни имзолади.

Қарордан кўзланган асосий мақсад бу борадаги ишларни нафақат янги босқичга кўтариш, балки “Ёшлар дафтари”, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”га киритилган фуқароларнинг ҳам бандлигини таъминлаш бўйича янги таъсирчан механизмларни жорий этишдан иборат.

Бу ҳужжат жуда катта сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга. Қарор мазкур тизимни тубдан ўзгартириш ва назорат қилиш механизмларини яхшилашга қаратилган. Унда

барча чора-тадбирларнинг муддати ва манбалари аниқ кўрсатиб ўтилган. Ҳар бир манба ва масъулнинг вазифалари батафсил белгиланган.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган ёшлар 18 миллион нафардан зиёд. Шундан 648 минг нафари “Ёшлар дафтари”га киритилиб, жорий йилнинг биринчи чорагида 283 минг ёшнинг бандлиги таъминланган.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

БОКСНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2. Туризм ва спорт вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон бокс федерацияси ҳамда Андижон, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликларининг дастлаб Андижон вилояти (Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари), Бухоро вилояти (Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари), Қашқадарё вилояти (Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари) ҳамда Тошкент вилоятларида (Сирдарё ва Тошкент вилоятлари, Тошкент шаҳри) Туризм ва спорт вазирлиги хузурида бокс бўйича олий спорт маҳорати мактабларини (кейинги ўринларда — бокс мактаблари) давлат муассасаси сифатида ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, бокс мактабларида: фаолият иқтидорли ёш спортчиларни танлаб олиш ва уларни, асосан, миллий **терма жамоаларга тайёрлашга йўналтирилади**; ўқиш 7-синфдан ташкил этилади, таълим олиш муддати **5 йил этиб белгиланади**; ўқувчиларга бепул таълим олиш, олимпия захиралари коллежларининг ўқувчилари учун бир кунлик озиқ-овқат меъёрларига мувофиқ озиқ-овқат билан таъминланиш ҳамда ўқувчилар турар жойида бепул яшаш ҳуқуқи берилди; раҳбарлар, тренерлар, спортчилар ва бошқа ходимларга **ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари учун белгиланган** меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади.

4. Куйидагилар бокс мактаблари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин: Қорақалпоғистон Республикаси бюджет, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари; жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро ва чет эл ташкилотларининг грантлари; қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Бокс мактабларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича:

бююртмачи этиб — Туризм ва спорт вазирлиги хузуридаги “Спорт объектлари инфратузилмасини ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси;

бош лойиҳачи этиб — “ТошуйжойЛИТИ” акциядорлик жамияти белгилансин;

бош пудратчи ташкилот белгиланган тартибда танлов (тендер) савдолари орқали аниқлансин.

6. Куйидагилар:

Боксни 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

Боксни 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” (кейинги ўринларда — “Йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ;

Боксни 2025 йилгача ривожлантириш концепциясининг мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Белгилансинки:

а) Концепция эришилган натижалар, мақсадли кўрсаткичлар ва боксни ривожлантириш бўйича тегишли даврга мўлжалланган асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили алоҳида тасдиқланадиган “Йўл харитаси” асосида босқичма-босқич амалга оширилади;

б) “Йўл харитаси” 2021 йилда бажарилиши мўлжалланган куйидаги чораларни қамраб олади:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда унинг филиалларида бокс бўйича **давлат буюртмаси параметрларини ошириш**;

ўқув-машғулотлар жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан, **виртуал рақиблар** билан жанг олиб бориш имкониятини берувчи компьютерлаштирилган хоналарни ташкил қилиш;

боксчилар тўғрисида маълумотларни тезкор олиш имконини берувчи **электрон базани яратиш**;

в) Боксни 2025 йилгача ривожлантириш концепциясининг мақсадли кўрсаткичлари, шу жумладан, куйидагиларни назарда тутди:

2025 йилгача спорт таълим муассасаларидаги бокс билан **мунтазам шуғулланадиган ўқувчилар** сонини **27 минггача** етказиш;

келгуси 5 йил ичида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида **7 та бокс залларини** ташкил этиш;

бокс бўйича терма жамоаларнинг **46 га яқин халқаро спорт мусобақаларида** иштирокини таъминлаш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳудудларда бокс залларини қуриш учун Туризм ва спорт вазирлигининг тегишли ҳудудий бошқармалари сўровномаларига асосан ер ажратиш чораларини кўрсин.

8. 2021 йил 1 майдан бошлаб бокс бўйича ҳудудларда иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) учун уч босқичли тизим жорий этилсин:

биринчи босқичда — таълим муассасалари, болалар-ўсмирлар спорт мактабларидан сараланган спортчилар ўртасида **туман (шаҳар)** мусобақалари;

иккинчи босқичда — боксга ихтисослашган спорт мактаблари, таълим муассасалари ва спорт клубларидан сараланган спортчилар ўртасида ҳудудий мусобақалар;

учинчи босқичда — клубларро ҳамда ҳудудий ўқув-машғулот йиғинлари қолиблари ва совиндорлари ўртасида республика мусобақалари (“World Series Boxing” мисолида).

Бунда, мусобақалар натижалари асосида **бокс мактабларини** иқтидорли спортчилар билан тўлдириб бориш Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон бокс федерацияси томонидан бирга-лиқда амалга оширилади.

9. Туризм ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг **2021/2022 ўқув йилидан бошлаб** Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларида бокс бўйича **амалдаги ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини икки бараварга ошириш** тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

10. Ўзбекистон бокс федерацияси бокс мактабларида замонавий илмий ютуқлар ва инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда, юқори малакали тренер, тренер-селекционер, функционал тайёргарлик бўйича тренер, ҳакамлар ва бошқа мутахассисларнинг касбий маҳоратини доимий ошириб бориш мақсадида маҳаллий ва хорижий мутахассислар иштирокида семинар, тренинг, мастер-класслар, ўқув дарслари ташкил этилишини таъминласин.

11. Бокс бўйича миллий терма жамоалар учун ўқув-машғулотлар базасини яратиш мақсадида Туризм ва спорт вазирлиги ва Тошкент вилояти ҳокимлигининг Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, Янгибод қўргони ҳудудида жойлашган Республика олимпия захиралари спорт коллежи балансидаги 1,5 гектар майдонга эга бўлган собиқ стадион, сузиш ҳавзаси, шунингдек, ошхонани **2029 йил 31 декабрга қадар Ўзбекистон бокс федерациясига мақсадли текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин**. Бунда, мазкур ҳудуд атрофида спорт зал, ётоқхона, ошхона ҳамда бошқа маиший-хизмат бино ва иншоотларни қуриш учун қамда бўш турган 1 гектар ер майдони ажратилиши таъминлансин.

12. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Заковат кўчаси, 2-уйда жойлашган собиқ Саноят-иқтисодиёт касб-хунара коллежи биноси, шунингдек, спорт иншооти ва ёнидаги спорт майдони Ўзбекистон бокс федерацияси томонидан **инвестиция мажбурияти асосида сотиб олиншига розилик берилсин**.

13. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Туризм ва спорт вазирлиги билан бирга 2022-2023 йиллардаги инвестиция дастурларини шакллантиришда ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан, бокс

бўйича миллий терма жамоалар учун ўқув-машғулотлар базасини ва бокс мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари учун **марказлашган капитал қўйилмалар лимитлари ажратилишини** таъминласин.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан олиш ҳудудларда жойлашган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда бокс мактабларига жалб қилинаётган тренерлар ва бошқа мутахассисларни **2025 йил 1 январгача уй-жой билан таъминлаш** чораларини кўрсин.

15. Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон бокс федерацияси Тошкент шаҳрида **2023 йилда** режалаштирилган **бокс бўйича Жаҳон чемпиони**ат юқори даражада ўтказилишини таъминласин ва шу билан боғлиқ бўлган “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқсин.

Белгилансинки:

жаҳон чемпионатини ўтказиш учун аъзолик бадалли ва мукофот пули билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплаш Давлат бюджетининг 2022 ва 2023 йиллардаги параметрларида кўзда тутилган маблағлар доирасида босқичма-босқич 18 ой давомида, лекин 2023 йил 1 майгача бўлган даврда амалга оширилади;

жаҳон чемпионатини ўтказиш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар ҳомийлар ва Ўзбекистон бокс федерацияси томонидан қопланади, олинандиган фойда Ўзбекистон бокс федерацияси тасарруфида қолиб, боксни янада ривожлантиришга ва федерация фаолиятини молиялаштиришга йўналтирилади.

16. Бокс бўйича миллий терма жамоалар учун ўқув-машғулотлар базасини ва бокс мактабларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда улар фаолиятини таъминлаш мақсадида белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича четдан олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган махсус спорт анжонлари ва жиҳозлари, ўқув ускуналари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, инвентарь, қурилиш материаллари ва моддий-техник ресурслар **2023 йил 1 мартга қадар** божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона йиғимларидан қиймат) озод этилсин.

17. Молия вазирлиги мазкур қарорга асосан жорий йилда кўзда тутилган чора-тадбирлар ва келгуси йилларда амалга оширилиши белгилан-

ган вазифалар учун зарур маблағларни 2021 йил Давлат бюджетига Туризм ва спорт вазирлиги учун кўзда тутилган маблағлар доирасида, 2022 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутишни таъминласин.

18. Мазкур қарорнинг ижроси куйидаги тартибда амалга оширилсин:

Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А.Абдуҳакимов — мазкур қарор ижросини сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида таъминласин, белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали **ташкил қилсин** ҳамда **мувофиқлаштирсин, ҳар ойда** тегишли раҳбарларнинг **бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин** ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

туризм ва спорт вазири ўринбосари А.Қ.Каримов — Концепциянинг **мақсадли кўрсаткичларига** эришиш, **Концепция ва “Йўл харитаси”**ни ижро этиш юзасидан барча зарур чоралар қўрилишини таъминласин, мазкур қарорда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда унинг ижроси бўйича **ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига** ахборот киритиб борисин;

масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари — **Концепция ва “Йўл харитаси”**да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш юзасидан барча чораларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К.Кўчимов ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси А.Д.Хаджаев — мазкур қарорнинг **мазмун-моҳияти** ва амалий аҳамиятини ёритишга оид **мақолалар, брифинглар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин**.

19. Туризм ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга 2023 йил ой мўддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А.Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2021 йил 29 апрель

Ш. МИРЗИЁЕВ

ЁШЛАР УЧУН
ЯНГИ ИЖОДИЙ ҒОЯЛАР

Тошкентда 29 апрель куни МДҲга аъзо мамлакатлар Ёшлар ишлари бўйича кенгашининг 28-йиғилиши бўлиб ўтди.

Анжуман коронавирус пандемияси туфайли ҳозирги мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, масофавий ва жонли тарзда ташкил этилди. Унда Ўзбекистон, Озарбайжон, Беларусь, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистоннинг ёшлар билан ишлаш бўйича ташкилотлари вакиллари, фаол ва ташаббускор йигит-қизлар, талабалар иштирок этди.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон МДҲга аъзо мамлакатлар Ёшлар ишлари бўйича кенгашининг йиғилишига илк бор мезбонлик қилмоқда.

Йиғилишда ёшлар ишлари билан боғлиқ 12 та масала муҳокама қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурган БМТнинг ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси лойиҳаси бўйича фикр алмашилди. Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг 30 йиллиги ва ташкилотга аъзо мамлакатлар Ёшлар ишлари бўйича кенгашининг 15 йиллигига бағишланган тақдиримот намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов ва МДҲ Ижроия қўмитасининг Гуманитар ҳамкорлик, умумий сиёсий ва ижтимоий муаммолар департаменти директори Алексей Сазонов маросимни очиб берди.

Жумладан, Акмал Саидов Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида улкан ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Масалан, мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган 150 та меъёрий ҳужжат қабул қилинган. Ёшлар ўз билан ва салоҳиятини юзага чиқариши учун зарур институционал асослар яратилган. Айни

пайтда Ўзбекистонда Ёшлар ишлари агентлиги фаолият юритмоқда, бундан ташқари, ҳар йили 30 июнь — Ёшлар куни сифатида кенг нишонланмоқда.

Йиғилишда МДҲни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича асосий тадбирлар режасининг ижроси ҳам кўриб чиқилди. Аъзо мамлакатларнинг 2021-2030 йилларга мўлжалланган халқаро ёшлар стратегиясини бажариш бўйича 2021-2022 йилларга оид чора-тадбирлар режаси ҳамда 2021-2023 йилларга мўлжалланган волонтерлик ҳаракатини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш, “МДҲ учун 100 та ғоя” лойиҳасининг финал босқичига тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама этилди.

— Бугунги йиғилиш кун тартиби маданият ва аънаналарга ўзаро ҳурмат қилиш каби энг муҳим қадриятларни ўз ичига олади. МДҲга аъзо мамлакатларда ёшлар ҳаётига оид кенг тарқалган лойиҳалар, дастурлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни муҳокама қилиш орқали биз келгуси ҳаракатлар режаси ва қўламини шакллантираемиз. Бундай учрашувлар ёшлар учун янги, самарали ва ижодий ғоялар ишлаб чиқаришга хизмат қилади, — деди Беларусь ёшлар иттифоқи раҳбари, республика Миллий ассамблея кенгаши аъзоси Дмитрий Баранюк.

Тадбир сўнггида иштирокчилар томонидан Кенгашининг навбатдаги йиғилишини ўтказиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Мусаев иштирок этди ва сўзга чиқди.

**Г.АБДУЛЛАЕВА,
Б.ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎЗА МУХБИРЛАРИ**

ЕХХТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING УЧРАШУВЛАРИ

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ ДИИХБ) директори Маттео Мекаччи бошчилигидаги делегация 29 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев билан учрашди.

Учрашувда сўнгги йилларда икки томонлама муносабатлар ва ўзаро мулоқот янги сифат даражасига кўтарилгани кайд этилди. Мехмонларга халқаро стандартлар ва энг замонавий хориз тажрибаси асосида Ўзбекистонда сайлов тўғрисидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича олиб бориладиган ишлар ҳақида ахборот берилди. М.Мекаччи Ўзбекистондаги демократик ислохотларга юқори баҳо бериб, ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришга тайёргарлигини маълум қилди.

У жорий йил октябрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида ЕХХТ ДИИХБ ўзаро ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдирди.

М.Мекаччи сайлов жараёни демократик принциплар ва стандартларга мувофиқ ўтиши учун Ўзбекистонда сайлов тизимини янада такомиллаштириш масалаларига берилаётган эътиборни юқори баҳолади.

Сўхбат чоғида томонлар ўзаро муносабатларни янада чуқурлаштиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашди.

— Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этиш, демократия институтларини такомиллаштириш, жумладан, сайловларни ўтказиш бўйича ҳуқуқий пойдеворни янада мустаҳкамлаш борасида жиддий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — деди Содиқ Сафоев. — Бу жараёнда халқаро мулоқот ва ҳамкорлик муҳим

роль ўйнайди. ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг мамлакатимизда сайлов тизимини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси шу жиҳатдан аҳамиятлидир. — Ташкилотимиз кўп йиллардан бери Ўзбекистон билан яқин ҳамкорлик қилиб келяпти. Биз ўтган йиллар мобайнида бир қатор вазирлик ва идоралар, Марказий сайлов комиссияси, қолаверса, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик ўрнатдик. Инсон ҳуқуқлари, демократик тамойилларини илгари суришда уларга ёрдам бериб, қўллаб-қувватлаб келямиз. Шубҳасиз, келгусида ҳам ушбу йўналишдаги ишларни давом эттираемиз, — деди Маттео Мекаччи.

ЕХХТ ДИИХБ делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К.Комиллов билан ҳам учрашди. Мехмонларга мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, бу борадаги қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш, судлар фаолиятида шаффофлик ва очиқлиқни таъминлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар хусусида маълумот берилди.

Таъкидланганидек, бу борадаги ислохотларнинг асосий мақсади суд ҳокимиятининг мустақиллиги, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришишдан иборат.

Мулоқот чоғида делегация аъзоларига давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш борасидаги конституциявий ҳуқуқни таъминлаш мақсадида Олий судда маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, ҳудудларда маъмурий судлар ташкил этилгани ҳақида сўзлаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва ЕХХТ ўртасида кенг қўламли ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилгани таъкидланди. Мазкур ҳамкорлик келгусида ҳам самарали натижаларни беришига ишонч билдирилди.

Шу кун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидовнинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Маттео Мекаччи билан учрашуви бўлиб ўтди.

А.Саидов парламент, қўмиталар фаолияти ҳақида тўхталиб, қонунларни қабул қилиш ва назоратини олиб боришда инсон ҳуқуқ ва манфаатларига устувор аҳамият қаратилишини алоҳида таъкидлади. Айниқса, сайловлар, ноҳуқумат ташкилотлар, гендер тенглик тўғрисидаги қонунларни қабул қилишда инсонпарварлик мезонларига таянилишига ургу берилди.

Учрашувда Қонунчилик палатасининг ЕХХТ ДИИХБ билан ҳамкорлиги доирасидаги ишларнинг муҳим жиҳатлари хусусида фикр алмашилди.

**С.РАҲИМОВ,
ЎЗА МУХБИРИ**

МУНОСАБАТ

ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҚУЛАЙ ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ



Бошланиши 1-бетда

Қарор билан тасдиқланган давлат дастурида 2021 йилда 457 минг 400 та доимий янги иш ўрни яратиш назарда тутилган. Жумладан, биргина Тошкент шаҳрида 60 мингга яқин янги иш ўрни очилади. Хужжатда айнан доимий иш ўринлари ҳақида сўз бормоқда. Чунки айрим жойларда иш жойлари яратилиб, бир-икки ойдан кейин ёпилиб кетиши кузатилади. Энди бундай ҳолатларга йўл қўйилмайди. Янги очилаётган иш жойларини ёпиш учун жавобгарлик ва масъулият белгиланмоқда. Қарорнинг аҳамияти ҳам шунда.

хунармандчилиқни ривожлантириш ҳисобига 209,5 мингта янги иш ўрни ташкил этилади.

Бу рақамлар вазирлик ва идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг худудий бошқармалари, маҳаллий ҳокимликлар томонидан амалга оширилиши назарда тутилган инвестиция лойиҳалари асосида шакллантирилган. Яъни улар кўрсатилган миқдордаги ишсиз фуқаронинг бандлигини таъминлаш масъулиятини олган.

Қарорда фуқароларни бўш ва захира иш ўринларига ишга жойлаштириш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш, касб-ҳунар, тадбиркорлик кўникмаларига ва хорижий тилларга ўқитиш, ўзини ўзи банд қилиш, тадбиркорликни бошлаш учун субсидия ва кредитлар бериш каби жиҳатлар ҳам ўз ифодасини топади.

Таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳам 2021

йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш тўғрисидаги худудий дастурларни қабул қилади. Давлат дастурини ўз вақтида ва сифатли бажариш юзасидан тегишли йўналишлар бўйича вазирлик, идора ва ҳўжалик бирлашмалари масъул этиб белгиланади.

2021 йил 1 июлга қадар янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича ҳисоботларни юритиш, уларни реал вақт режимда Давлат солиқ кўмитасининг ягона интеграциялашган ахборот-ресурс базаси орқали мониторинг қилишга мўлжалланган электрон дастур ишлаб чиқилади. Шунингдек, вақтинча, мавсумий ва бир марталик ишларда банд бўлган фуқароларнинг меҳнат фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича янги тизим яратилади.

Бир марталик иш билан таъминлаш бюрolari кунлик меҳнат марказлари сифатида қайта ташкил этилади. Марказларнинг асосий вазифаси иш изловчиларни, доимий яшаш жойидан қатъи назар, рўйхатга олиш, маълумотлар базасини юритиш, иш бериувчилардан фуқароларни вақтинча ишларга ёллаш бўйича буюртмалар олиш, иш изловчиларни бўш иш ўринлари билан таништириш ва вақтинчалик ишлар билан шуғулланувчи шахсларга меҳнат қуроллари, шахсий ҳимоя воситалари, махсус кийимларни ижарага бериш ва бошқалардан иборат бўлади. Шу билан бирга, "Барча учун иш" тамойили асосида 2021 йил 1 ноябрга қадар "Менинг ишим" буюртмалар биржаси онлайн майдони ишга туширилади.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг мазкур қарори бугунги куннинг қатор долзарб масалалари ечимига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Унинг ижроси "Ёшлар дафтари", "Темир дафтар", "Аёллар дафтари"га киритилган фуқароларнинг бандлигини таъминлашга асос бўлиб хизмат қилади.

САЙЛОВ — 2021

САЙЛОВ ЖАРАЁНИ ТАШКИЛОТЧИЛАРИНИНГ БИЛИМ ВА САЛОҲИЯТИ



Худойёр МАМАТОВ, Марказий сайлов комиссияси котибияти раҳбари, юридик фанлар доктори, профессор

мазкур муҳим сиёсий тадбирнинг халқаро стандартлар ва демократик принциплар асосида ўтишида устувор мезон бўлади

қонунчилиги ҳамда амалиётга оид билими ва амалий кўникмасини янада ошириш, мамлакатимиз фуқароларининг амалдаги сайлов институтларига ишончини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг мамлакатдаги кенг қўламли инсонпарвар исплохотларга дахлдорлик туйғусини юксалтириш мақсадида кўп томонлама манфаатли ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида имзоланди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, ушбу 32 мингдан ортиқ контингентни сайлов кўнига қадар камиди уч марта тақдор ўқитиш режалаштирилган ва ҳар бирининг якуни бўйича онлайн тест топширилади. Натижалари таҳлил қилиниб, навбатдаги машғулотларга қадар мавжуд камчиликларни бартараф этиш чоралари кўриб борилади.

Сўнгги босқичда, яъни участка сайлов комиссиялари таркиби тасдиқланганидан сўнра уч босқичда ўқитилган участка сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосари ва котибиятига номзодлар семинар-тренингларида ўзлаштирилган билим ва кўникмасини комиссияларнинг 134 минг нафардан ортиқ бошқа аъзосига, бевосита ўз сайлов участкаларида реал иш жараёнида етказилади. Ушбу жараён худудий тренерларнинг методик раҳбарлиги остида амалга оширилади.

Малака ва амалий кўникма оширилади

Концепция асосида жорий йилнинг 28 апрель куни Давлат бошқаруви академиясида сайлов комиссиялари аъзоллигига номзодлар ва сайлов жараёни бошқа ташкилотчиларнинг малакасини оширишда масъул бўлган республика тренерлари ҳамда масъул шахслар учун семинар-тренинглари бошланди. Унинг мақсади сайлов комиссиялари аъзоллигига номзодлар малакасини оширишга жалб этиладиган республика ва худудий тренерлар, шунингдек, уларга услубий кўмаклашиш ва худудларда малака ошириш сифатини мониторинг қилиш бўйича шакллантирилган гуруҳлар аъзоларининг миллий сайлов қонунчилиги, халқаро сайлов стандартлари бўйича назарий билимини, сайлов жараёнини юқори савияда ташкил этиш бўйича амалий кўникмасини оширишга қаратилган.

Исплохотларнинг янги босқичи

Сўнгги йилларда мамлакатимизда демократик исплохотларнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқий маданияти юксалиб, ижтимоий фаоллиги ортгани, хусусан, оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда сўз эркинлигига берилётган жиҳидий эътибор, шунингдек, сайловларни кузатишда иштирок этган нуфузли халқаро ташкилотлар кузатувчилари томонидан тақдим этилган тақлиф ва тавсиялар сайловни қонунийлик, адолатчилик, холислик ва ошқоралик принциплари асосида ўтказишда янги талабларни қўймоқда. Бу, ўз навбатида, сайлов жараёнини қонунчиликка мос тарзда уюшқоқлик билан ташкил этиш учун, энг аввало, участка сайлов комиссияси аъзолари ҳамда сайлов жараёнининг бошқа ташкилотчилари ҳуқуқий билим ва амалий кўникмасини янада юксалтириш бўйича бир қатор зарур тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Мазкур семинар-тренингларида Давлат бошқаруви академияси ҳамда Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчиларидан иборат юқори малакали экспертлар томонидан ишлаб чиқилган ўқув дастури ва ўқув-методик материаллар асосида айнан шу экспертлар томонидан олиб борилади.

Таъкидлаш жоизки, экспертлар томонидан ўқув-методик материалларни ишлаб чиқишда ЕХХТ Демократик институтлар ва ИХОН ҳуқуқлари бўйича бюросининг Ўзбекистонда сайловларни кузатиш бўйича миссияси якуний ҳисоботида ўз ифодасини топади мақбул тавсияларга алоҳида эътибор қаратилди.

Сайлов комиссиялари аъзолари малакасини оширишда "Бир сайловчи — бир овоз" тамойилига қатъий амал қилиш, сайловчи шахсан ўзи овоз беришининг аҳамиятини кенг тушунириш, шунингдек, сайловчилар рўйхати билан ишлаш, сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ва сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимидан фойдаланиш тартибини атрафлича ёритиш каби муҳим масалалар шулар жумласидандир.

Давлат бошқаруви академиясида бошланган ушбу семинар-тренинглари сайлов комиссияси аъзоллигига номзодлар ва бошқа ташкилотчиларнинг сайлов қонунчилиги бўйича малакасини ошириш тизимининг дастлабки босқичидир. Бу каби кенг қамровли семинар-тренинглари бутун мамлакат бўйлаб бир неча босқичда ўтказилади.

Хусусан, кейинги босқичда Давлат бошқаруви академиясида тахсил олган 56 нафар республика тренери ҳар бир худудга 4 нафардан тақсимланади. Тақсимот асосида улар томонидан 13-29 май кунлари худудий тренерлар, ўқувларни тизимий ташкил этиш ва мувофиқлаштиришга жалб қилинган 1200 нафарга яқин худудий масъул учун икки кунлик семинар-тренинги ўтказилади. Оқруқ сайлов комиссиялари аъзоллигига 156 нафар номзод эса юқори малакали профессор-ўқитувчилардан иборат экспертлар гуруҳи томонидан Давлат бошқаруви академиясида ўқитилади.

Навбатдаги босқичда тайёрланган худудий тренерлар туман ва шаҳарларга тақсимланиб, июнь-сентябрь ойларида Марказий сайлов комиссияси билан келишилган ҳолда тасдиқланган режа-график асосида участка сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосари ва котибиятига 32 минг нафардан ортиқ номзод учун семинар-тренинглари ўтказилади. Мазкур ўқувлар туман (шаҳар) марказларида танлаб олинган сайлов участкалари учун ажратилган биналарда 15-21 нафарлик кичик гуруҳларда интерактив усулларда икки кунлик шаклда ташкил этилади.

Бунда иштирокчилар олган билимини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади.

Диққатга сазовор яна бир жиҳати шундаки, ўқув дастурининг ҳар бир мавзуси бўйича юқори малакали экспертлар томонидан 15-20 дақиқалик видеодарслар тайёрланиб, ўқув жараёнида фойдаланиш учун тренерларга тақдим этилади. Сайлов жараёнининг асосий босқичлари видеороликлар кўринишида ифода этилади ва ўқув жараёни тингловчиларига етказилади. Тингловчилар мазкур видеороликни кўриш орқали сайловчилар рўйхати билан ишлаш, муддатлардан олдин овоз беришни ташкил этиш, овоз бериш хоналарини жиҳозлаш, сайлов кўни овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш, "Бир сайловчи — бир овоз" тамойилига амал қилиш, кузатувчилар билан ишлаш, сайлов натижаларини ҳисоблаб чиқариш каби назарий билимини амалий машғулотларда мустаҳкамлаб олади.

Мақсад эса комиссия аъзоллигига номзодларнинг сайлов қонунчилигига оид назарий билимини мустаҳкамлаш баробарида уларни сайловни қонунга мувофиқ турри ташкил этиш ва ўтказишга ўргатиш, яъни амалий кўникмасини чуқурлаштиришдир.

Махсус таълим платформаси — кенг омма учун қулай тизим

Шу билан бирга, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ негизда махсус таълим платформаси ишлаб чиқилади. Ушбу платформага семинар-тренинглари учун тайёрланган барча ўқув-услувий материаллар (тақдимот, матнлар, тест, инфографика, видеодарслар ва бошқалар) жойлаштирилади ҳамда семинар-тренинги иштирокчилари учун иштироий равишда онлайн билим олиш ва тест топшириш имконияти яратилади.

Юқори малакали экспертлар томонидан тайёрланган барча ўқув материаллари, видеодарслар ва видеороликлар кейинчалик Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида жойлаштирилиши, шунингдек, имконият ва эҳтиёжга қараб бошқа оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг жамоатчилик фойдаланиши учун етказилиши мўлжалланмоқда.

Яна бир янгилик — аҳолининг кенг қатлами ва мутахассислар фойдаланиши мумкин бўлган "Сайлов — 2021" мобил иловасини яратиш устида иш олиб бориламоқда. Иловада ҳам маъруза матнлари, тақдимотлар, инфографикалар, тегишли қонунчилик ҳужжатлари, билимини мустаҳкамлашга оид топшириқлар, видеороликлар каби ўқув материаллари жойлаштирилади. Ушбу маълумотлар онлайн режимида янгиланб борилади. Илованинг ишга туширилиши сайлов жараёни иштирокчилари бўлган барча аҳоли қатламларининг сайловга оид билимини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур чора-тадбирларнинг тўлиқ ижроси сайлов жараёни иштирокчиларида мамлакатимизда Президент сайловини сайлов қонунчилиги ва жаҳон стандартлари асосида ташкил этиш борасида зарур билим ва кўникмаларни ўзлаштириш имконини яратди. Пировавдида мамлакатимизда жорий йилда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловининг юқори савияда ташкил этилишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

"2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинди

Дастур 2021 йилда қўйидагиларни амалга оширишни назарда тутди:



457 127 та доимий янги иш ўринларини ташкил этиш;

513 575 нафар фуқаро бандлигига кўмаклашиш ва иш бериувчиларни рағбатлантириш.



Шунингдек, 281 минг 289 нафар ишсизларни бўш ва захира иш ўринларига ишга жойлаштириш белгиланган.

Қарорга кўра, 2021 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш учун қўйидаги миқдорларда субсидия, нафақалар ва микрокредитлар ажратилади:

- субсидиялар ажратиш учун — 92,3 млрд. сўм;
ишсизлик нафақалари тўлаб бериш учун — 65,1 млрд. сўм;
касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш харажатларини қоплаш учун — 40,6 млрд. сўм;
янги иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи кичик лойиҳаларни амалга ошириш учун тижорат банкларига ажратиладиган ресурслар учун — 125 млрд. сўм.

Қарорга кўра, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари ҳузурида фаолият юритаётган вақтинча бир марталик иш билан таъминлаш бюрolari Кунлик меҳнат марказлари сифатида қайта ташкил этилади.

Марказ иш изловчиларни рўйхатга олади, улар тўғрисида маълумотлар базасини юритади ҳамда иш бериувчилардан фуқароларни вақтинча ишларга ёллаш бўйича буюртмалар олади.

Марказда вақтинча ишларни бажарувчи шахсларга уларнинг доимий яшаш жойидан қатъи назар (экстерриториаллик тамойили бўйича), иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган ҳолда бандлик хизматлари кўрсатилади.

КўНГИЛДАГИ ГАПЛАР



Адиба ЖАББОРОВА, Фориш туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

МИННАТДОРЛИК ИЗҲОРЛАРИ ХАЛҚИМИЗ КЎЗИ ВА ЮЗИДА АКС ЭТМОҚДА

Бундан икки йил аввал Президентимиз худудларда амалга оширилаётган исплохотлар жараёни, бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида вилоятимизга ташриф буюрди.

Мана, орадан кўп вақт ўтмай, жорий йил март ойида мазкур мажмуа фойдаланишга топширилди. Унинг қад ростлаши ва жиҳозланиши учун давлат бюджетидан 17 миллиард 721 миллион сўм маблағ сарфланди. Бизни қувонтирган яна бир жиҳат, Фориш тумани тиббиёт соҳасида амалга ошаётган исплохотлар, ижобий ўзгаришлар бу билан чегараланиб қолмапти.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йилнинг 7 декабридаги "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони асосида БААнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Дубай амирлиги ҳукумати билан 457 минг АҚШ долларига яқин қийматдаги шартнома имзоланди. Мазкур ҳужжатга биноан, тиббиёт бирлашмамизга 7 та энг замонавий ускуна, яъни Япониянинг "Сапон" фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган мультиспираль компьютер томографи, чақолқур учун инкубатор, электр сўргич, операцион лампа, кислород концентратори, ўпкани шамоллатиш ускунаси, ультратовушли ташхис аппаратлари келтирилди.

Бундан саноқли кўнлар аввал эса Япониянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан 90 минг АҚШ долларини қийматидаги шартномага имзо чекилди. Бу билан энг сўнгги нусхадаги 3 хил тиббий асбоб-ускуналар — видеондоскоп система, тиббий хирургик сўргич, бемор ётоғи олди мониторларини олиб келишимиз учун имконият яратилди.

Ҳозирда халқаро андозалардаги замонавий жиҳозлар, зарурий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланиб бораётган Фориш туман тиббиёт бирлашмаси меҳнат жамоасининг бу қўлайликлардан қувончи чекмас. Ахир амалга ошаётган кенг қўламли исплохотлар, янгилик ва ижобий ўзгаришлар 100 минг нафарга яқин форишликлар кўз ўнгига, ҳаётида рўй бераётганини кўриб, ҳис қилиб бормоқда. Бундан қувонмай бўладими?!

Янги барпо этилган биномизга қадам қўярсанам, кўнглида шу юртга меҳр-муҳаббат туйғуси, халқимизга беиннат хизмат қилиш иштиёқи, одамлар ҳаётидан дарду ташвишларини аритиш мақсадининг ўйлаб яшаётган Президентимизга ташаккурлар айтгим келди. Зеро, бу миннатдорлик изҳорлари форишликларнинг кўзида ва юзида ҳам акс этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг вилоят фаоллари билан бўлган учрашувида туман аёлларига сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида замонавий туғуруқ мажмуаси қурилишида амалий ёрдам берилишини сўрашга жазми этгандим.

Негачи, туманимизда 21 мингдан зиёд туғиш ёшидаги аёллар бўлиб, ҳар йили ўртача 2000 дан зиёд фарзанд дунёга келади. Бу эса туғуруқ мажмуамизни бугунги кун талаби даражасида замонавий қайта қуриш ва жиҳозлашни тақозо қиларди.

Ушанда илтимосим ёқмасая, дея жуда ҳаяжонландим, титроқ ҳам босди. Аммо Президентимиз мен тасаввур қилганимдан кўра, янаям самимий ва халқпарвар инсон экан. Хоҳишимиз эътиборга олинди. Туманимиз марказида зудлик билан 60 ўринли туғуруқ комплекси қурилиши бўйича мутасаддиларга топшириқ берилди.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИННОВАЦИЯНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

Дилором БАҲРОНОВА,
Навоий кон-металлургия
комбинатининг
маҳаллийлаштириш ва
харидларни режалаштириш
бошқармаси бошлиғи

Мамлакатимизда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб бориш иқтисодийнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис, маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ва қўланини кенгайтириш, юқори қўшилган қийматни шакллантириш, мавжуд хомаш ресурслари ва имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича аниқ вазибалар белгилаб олинган.

Маҳаллийлаштириш дастурини бажариш Навоий кон-металлургия комбинати фаолиятининг ажралмас қисмидир. Бу, ўз навбатида, импортни қисқартириб, асосий иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланишини таъминлайди.

Дастур доирасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, биринчи галда, комбинат бўлиналари асбоб-ускуналари учун импорт қилинадиган бутловчи ва эҳтиёт қисмларга бўлган ички эҳтиётларни қоплайти. Валютани иқтисод қилиш мақсадида импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни тайёрлаш ишлари фаоллаштирилган.

Президентимизнинг 2016 йил 26 декабрдаги “2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга ошириш давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосан, 2017-2019 йилларда Навоий кон-металлургия комбинати умумий қиймати 403,9 миллиард сўм бўлган 86 та лойиҳа бўйича маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга, токарлик дастгоҳларининг янги турлари, универсал фрезерлаш дастгоҳи, технологик жиҳатдан мураккаб бўлган қуюлтиргичи, гидродискон курилмалар, янги турдаги насослар, редукторлар, коншахта технологик ускуналари учун эҳтиёт қисмлар, оғир юк ташувчи кон машиналарини капитал тиклаш ва таъмирлаш каби маҳсулот ва хизматлар ўзлаштирилди.

2019 йил 25 сентябрда Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йўналишида Навоий кон-металлургия комбинати зиммасига маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини камида 30 фоиз ошириш вазибаси юклатилди. Бу мақсадга эришишнинг асосий йўналишлари Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 декабрдаги “Навоий КМК” давлат корхонасининг 2020-2021 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва 2020 йил 10 мартдаги “2020-2021 йилларда ички ва ташқи бозорларда хариддор маҳсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги қарорларида ўз ифодасини топди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Навоий кон-металлургия комбинатида 2020 йилда 352,3 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати аввалги йилдагига нисбатан 152 фоизни ташкил этди. Масалан, ўтган йили Навоий машинасозлик заводида импорт ўрнини босувчи янги турдаги шарли тегириком ишлаб чиқарилгани 2,5 миллион доллар валюта маблағларини иқтисод қилиш имконини берди.

Жорий йилда ҳам бундай ишлар изчил давом эттирилиб, 154 та лойиҳа бўйича



2018 йилда КОМБИНАТНИНГ 2026 ЙИЛГА ҚАДАР ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ДАСТУРИ ТАСДИҚЛАНГАН БЎЛИБ, УНДАН 105 ТА ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲА ЎРИН ОЛГАН. ДАСТЛАБКИ ҲИСОБ-КИТОБЛАРГА КЎРА, МАЗКУР ЛОЙИҲАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАСИ 1,3 ТРИЛЛИОН СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “шатакка олиш” механизми жорий этилган. Бунда маҳаллий корхоналарга зарур эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмларни ўзлаштириш жараёнида технологик ва муҳандислик қўмағи бериб борилади. Корхонада марказдан қочма экстракторларни тайёрлаш ҳисобига аммоний перренати ишлаб чиқаришни 2 баробар ошириш имкони яратилди. Аммоний перренатининг асосий истеъмолчилари Россия компаниялари ҳисобланади.

2017 йилда Марказий кон ва Темир йўл транспорти бошқармаларида 6 та ўзи ағдаргич вагон (думпкар) капитал таъмирланган бўлса, 2020 йилга келиб, улар сони 12 тага етди. Бундан ташқари, марказий таъмирлаш-механика цехи базасида Марказий кон бошқармасининг технологик ускуналари учун эҳтиёт қисмлар тайёрланмоқда ва таъмирланмоқда. Инвестиция лойиҳалари доирасида тасма конвейерлар, ностандарт ускуналар ва металл конструкциялар ишлаб чиқариш бўйича ҳам ишлар давом эттириляпти. Бунинг натижасида қўшимча равишда 70 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди ҳамда замонавий металл кесиб дастгоҳлари ва мосламалари харид қилиш ҳисобига цехнинг технологик имкониятлари кенгайтирилди.

2020 йилда пандемия билан боғлиқ карантин чекловлари киритилиши билан юзага келган қийинчиликларга қарамай, комбинатнинг хар бир бўлини маси жамоаси изланишлари тўғрисида импорт ўрнини босувчи ва маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш юзасидан ҳукуматимиз томонидан қўйилган вазибалар тўлиқ уддаланди. Ҳозир маҳаллийлаштириш даражасини янада ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Жорий йилнинг 22-24 апрель кунлари “Навоий машинасозлик заводи” ишлаб чиқариш бирлашмасида Республика тармоқлараро кооперация саноят ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг 450 га яқин етакчи саноят корхонасидан вакиллар, тадбиркорлар қатнашди, шунингдек, 140 дан ортиқ корхона ўз маҳсулотларини намойиш этди.

Тадбирда таъкидланганидек, комбинат ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кооперация алоқалари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Масалан, 2020 йилги ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун комбинат тармоқлараро кооперация доирасида маҳаллий корхоналардан 3,5 триллион сўмлик маҳсулотлар харид қилди ва ўсиш суръати аввалги йилдагига нисбатан қарийб икки баробар

ошди. Янгидан ўзлаштирилган каустик сода, поливинилхлорид, резинатросли конвейер тасмаси, вибрацияли таъминлагич, ферромарганец каби импорт ўрнини босувчи ўнлаб янги турдаги маҳсулотлар шулар жумласига киради.

Жорий йилда саноят кооперацияси доирасида 3,8 триллион сўмлик маҳсулотлар харид қилиниши кўзда тутилмоқда. Ярмарка доирасида ҳам электрон кооперация биржаси портали орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан саноят маҳсулотларини харид қилиш бўйича шартномалар тузилди.

Комбинат ана шундай муваффақиятларга инновацион ечимлардан самарали фойдаланиш эвазига эришмоқда. Бунда тизимдаги Инновация маркази, марказий илмий-тадқиқот лабораторияси, конструкторлик ва лойиҳалаштириш бюрolari, жойлардаги бўлиналар таркибидagi лабораторияларнинг ҳам ҳиссаси катта. 2018 йилда комбинатнинг 2026 йилга қадар инновацион ривожланиш дастури тасдиқланган бўлиб, ундan 105 та инновацион лойиҳа ўрин олган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мазкур лойиҳаларнинг иқтисодий самараси 1,3 триллион сўмни ташкил этади.

Комбинат республиканинг етакчи илмий-тадқиқот институтлари ва ташкилотлари билан бир қаторда Германия, Финляндия, АҚШ, Россия каби давлатларнинг етакчи муассасалари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда. Маҳаллий мутахассисларнинг 40 дан зиёд иштироси Ўзбекистон, Россия, Украина, Германия ва Швейцариянинг патент идоралари томонидан патентланди. Комбинат ходимларининг бу йўналишдаги ишлари 2017 йилда БМТ хузуридаги Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан “Ихтиро учун” олтин медали билан тақдирланди. Ҳозирги кунда 17 та ихтиродан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилмоқда, 13 тасини жорий этиш бўйича ишлар давом этяпти. Кейинги турт йилда бу йўналишдаги ишларнинг иқтисодий самараси 491 миллиард сўмдан ошди. Биргина 2020 йилда 168 та рационализаторлик таклифи бўйича 85 миллиард сўм иқтисодий самарадорликка эришилди.

Комбинатда келгусида ҳам мавжуд хомаш, ишлаб чиқариш, илмий-техник ва меҳнат салоҳиятини таҳлил қилиш асосида янги маҳаллийлаштириш лойиҳаларини жорий этишга эътибор қаратилади. Шунингдек, таъкид этилаётган лойиҳалар бўйича маҳаллийлаштириш даражасини янада ошириш юзасидан амалий ишлар давом эттирилади.

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР



ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ АЛМАШИНУВИ САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРАДИ

Музаффар РАСУЛОВ,
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги
Агрисаноат мажмуи устидан назорат қилиш
инспекцияси бошлигининг биринчи ўринбосари

Ҳозирги кунда глобал миқёсда турли соҳаларда рақамли технологиялардан фойдаланиш суръатлари тезлашиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги ҳам бундан мустасно эмас. Шу боис, мамлакатимизда сўнгги йилларда тармоқда рақамли иқтисодий ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилляпти. Президентимизнинг мазкур йўналишга доир фармонларида, Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 17 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуи ва қишлоқ хўжалигида рақамлаштириш тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридa тармоқнинг устувор вазибалари ўз ифодасини топган.

Таҳлилларга қараганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчи мавсум давомидa (қисқа муддатларда) 40 тадан ортиқ турли ечимни қабул қилишига тўғри келади. Унинг аксарияти рақамлаштириш объекти ҳисобланиб, бевосита ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир кўрсатади. Ҳисоб-китобларга кўра, экиш, етиштириш, сақлаш ва ташинишда ҳосилнинг 33 фоизи йўқотилмоқда. Шундай бир шароитда мавжуд ер, сув, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан оқулona фойдаланишни таъминловчи “smart” ёки “ақли қишлоқ хўжалиги” технологиялари муҳим аҳамият касб этади.

Соҳанинг техник ва технологик базаси эса, асосан, агросаноат мажмуасининг умумий ривожланишини белгилайди. Бу чорвачилик ва ўсимликларни етиштиришни технологик такомиллаштириш, ер унумдорлигини ошириш ва қўл меҳнати-ни механизациялашган фаолият билан алмаштиришда намоён бўлади. Техника етишмаслиги фермерлар имкониятларини чеклайди ва маҳсулот таннархида меҳнат сарфини оширади. Мавжуд техник воситалардан самарали фойдаланиш унинг қопланмиш муддатини қисқартиради ва инновацион технологияларни қўллаш билан бирга такрор ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштиради.

Яқинда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агрисаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан рақамли технологиялар қўлланиш ҳолда, республикадаги мавжуд барча қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиш техникаларининг янгона электрон базаси ишга туширилди. Унда 295 минг донадан зиёд техника, жумладан, 12 мингта ҳайдов, 49 мингдан ортиқ чопик, 71 мингга яқин транспорт трактори, 5 минг 600 та ғалла уриш комбайни, мингдан ортиқ замонавий юқори унумли пахта териш машинаси ва бошқа техника тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ жамланган. Авваллари улар ҳақида ахборот олиш учун рўйхатга олиш дафтларлари кўздан кечирилиб, бир неча кунлаб вақт сарфланган бўлса, эндиликда буни электрон база орқали бир неча дақиқада амалга ошириш имконияти яратилди.

Ушбу база Давлат хизматлари агентлиги ва Мажбурий ижро бюроси электрон хизматлари билан интеграция қилинган. Бугунги кунда уни Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги ва Марказий банк газначилиги билан уйғунлаштириш ишлари яқунланиш босқичида турибди.

Электрон ҳужжат айланиши қоғоз шаклидаги суровларни бартараф этиб, ортиқча вақт ва қоғоз сарфининг олдини олишга хизмат қилмоқда. Шунингдек, инспекторлар иш самарадорлигининг кескин ошишига олиб келмоқда.



Бундан ташқари, техникани рўйхатга олиш, ҳисобдан чиқариш, техник қўриқдан ўтказиш, тракторчи-машинаист гувоҳномасини беришни онлайн назорат қилиш йўлга қўйилди. Соҳани рақамли технологияларга ўтказиш жараёнида инспекциянинг туман (шаҳар) бўлимлари 174 та замонавий компьютер жамланмаси билан таъминланди.

2020 йил 1 мартдан бошлаб республика бўйича техник паспорт, техник ва тракторчи-машинаист гувоҳномаларининг пластик шаклдаги янги намуналари амалга киритилди. Бу, ўз навбатида, техниканинг аниқ электрон ҳисоби юритилишига хизмат қилади. Шунингдек, ҳудудлардаги бўлимлариимиз техникани ўз жойида мажбурий қўриқдан ўтказиш учун 9 турдаги диагностика анжони ва асбоб-ускуна билан жиҳозланган 14 та махсус транспорт воситаси билан таъминланди. Бу иш давом этади.

Ушбу замонавий технологиялардан фойдаланишни ўргатиш ва ходимлар малакасини ошириш мақсадида масофовий ўқишлар ташкил этилган.

Инспекциянинг мутахассислари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига техникадан самарали фойдаланиш, сервис хизмати кўрсатиш, таъмирлаш ва сақлаш бўйича ўқув семинарлари ўтказиш орқали ҳам амалий ёрдам бериб келяпти. Жумладан, жорий йил ҳосили учун 1 миллион 80 минг гектардаги кузи шудгорлаш ишларида қатнашган 5 минг 400 дан ортиқ ҳайдов трактори мавсумга ўз вақтида ва сифатли тайёрланиши натижасида кунига 4-6 фоиз майдон шудгорланди ва агротехник тадбирларнинг қисқа муддатларда сифатли ўтказилишига эришилди.

Баҳорги дала ишларида қатнашадиган техника, жумладан, лазер бошқарувли 700 донa ер текислагич ва 10 мингга яқин чигит экиш сеялкасининг талаб даражасида созланиши чигит экиш мавсумини қисқа муддатларда ўтказиш имконини берапти.

Президентимизнинг 2020 йил 11 декабрдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тармоқда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларининг самарадорлигини ошириш, суғориладиган майдонларни обихаёт билан барқарор таъминланишига эришишни кўзда тутиди. Жумладан, қарорда 2021 йилда суғориладиган 200 минг гектар майдонни лазерли ускуна ёрдамида текислашни ташкил этиш учун маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган худди шу турдаги агрегатларни сотиб олган агросектор вакилларига мазкур техника қийматининг 30 фоизи давлат бюджетидан қопланиши белгиланган.

Бу фермерларга жуда қўл келади. Шу боис, жойларда мутахассисларимиз бу каби имтиёз ва янги технологияларнинг имконияти, афзалликлари бўйича тушунтириш ишларини олиб боришга ҳам катта эътибор қаратяпти. Чунки ернинг лазерли курилмалар ёрдами текисланиши сув сарфини 20-25 фоиз тежайди, ундan фойдаланиш самарадорлигини эса 30-40 фоиз оширади. Суғоришга кетадиган вақт, ишчи кучи ва энергия тежайиши баробарида экинлар турига қараб, гектар бошига қўшимча 5-10 центнер ҳосил олишга эришилди.

Айни пайтда жорий йилда 1 миллион гектардан ортиқ майдонда етиштирилаётган ғалла ўрими мавсумида қатнашиш режалаштирилган 3 минг 389 та комбайнини сифатли ва ўз муддатидa тайёрлаш юзасидан амалий ёрдамга асосланган назорат тадбирлари амалга оширилмоқда.

Бу юмушлар кўнгилдагидек бажарилмаётгани ҳолатларига ҳам дуч келинмоқда. Масалан, 2021 йилнинг январь-март ойларида тармоқ инспекторлари томонидан ҳудудларда ўтказилган тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникасининг техник ҳолати, кўрсатилган таъмирлаш ва сервис хизматлари сифати қабила бўйича 3617 та қонун бузилиши ҳолати аниқланди. Уларнинг аксарияти жисмоний шахслар томонидан содир этилгани маълум бўлди. Мазкур ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар қўрилди.

Инспекциянинг иш жараёнида ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, жумладан, манфаатдор идоралар билан электрон ахборот алмашинуви йўлга қўйилиши, ҳужжатлар электрон шаклда расмийлаштирилиши, албатта, фуқаролар ва юридик шахсларнинг вақти ва маблағлари тежайишига, ходимлар иш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

ЖАРАЁН

ЯРАТУВЧАНЛИК ИШТИЁҚИ

Расулжон КАМОЛОВ, журналист

Олтириқ туманининг Бўрбалиқ қишлоғи этакларидаги чорак асрдан буён сувсизлик, эътиборсизлик туфайли қуриб-қақшаб ётган дала-даштлар ўзлаштирилди. Бу ерда қишлоқ ёшларининг саъй-ҳаракати билан янги иссиқхона, боғу роғлар яратилмоқда. Улар ўз меҳнат ва изланишлари маҳсулидан мамнун.

Мавсумжон Умаров ана шундай тиниб-тинчимас тадбиркорлардан. Унинг ташаббуси билан 2019 йилда “Мавсум агрологистика” ёшлар кооперацияси ташкил этилиб, 100 нафар тенгқурлари учун иш ўринлари яратилди. Ер майдонлари “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”га киритилган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга бўлиб берилди. Томонлар келишувига кўра, кооперация аъзоларига сара уруғ, кўчатлар билан таъминлаш, экинлар парвариши билан боғлиқ ишларда амалий ёрдам беради. Бу ерда ишлаб чиқариш тармоқлари учун зарур бўлган ички йўллар тартибга келтирилди, электр тармоқлари тортилди. Сув таъминотини яхшилаш мақсадида қудуқлар қазилди.



АЙНИ КУНДА ХУДУДДАГИ 8 ГЕКТАР ҚАРОВСИЗ ЭКИН МАЙДОНЛАРИНИ ҚАЙТА ФЙДАЛАНИШГА КИРИТИШ БОРАСИДА ҲАМ ИШ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. БУ МАҚСАДЛАРГА “АГРОБАНК” РЕСПУБЛИКА БОШҚАРУВИ ТАШАББУСИ БИЛАН 1 МИЛЛИАРД СЎМ МАБЛАҒ ЙЎНАЛТИРИЛДИ. БУ БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ЯНА 300 НАФАР ЙИГИТ-ҚИЗНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИАТИНИ БЕРАДИ.

Кооперация экин майдонларида меҳнат қилаётган шижоатли ёшлар иссиқхоналарда помидор, бодринг кўчатларини парвариш-ляпти, экинлар ривожига авжида. Эътиборимизни томорқа юмушлари билан андармон бўлиб турган бир гуруҳ йигит-қизлар торти. “Хорманлар”, дея улар томон ҳозирда. Сабзот экинлари етиштириш ҳадисини олган ёш деҳқонлар мамнунияти билан қарши олади.

— Саломат бўлинг, бир пиёла чойимиз бор, — дея лутф кўрсатиб, томорқа четдаги мўъжаз сури томон тақлиф қилди юмушларини бироз тўхтаган, узун бўйли, урта ёшдаги йигит.

— Беш-олти йил яқинларимдан олисда, ўзга юртларда ишлаб биримиз икки бўлгани йўқ, — дейди “Зилол” маҳалла фуқаролар йиғинида яшаётган Аҳаджон Холматов. — Бу ерда ёшлар кооперацияси ташкил этилган, 5 сотих ерни ўзлаштириб, иссиқхона қурдим. Дармад чакки бўлмади. Бу йил иссиқхонани уч бараварга кенгайтирдик. Эртаги бодринг ҳосилига кирди. Санокли кунлардан сўнг помидорни бозорга чиқарамиз. Дастлабки ҳисоб-китобларимизга кўра, дармад чўғи 100 миллион сўмдан кам бўлмайди.

Дарҳақиқат сувсиз, тош-шағалдан иборат экин майдонларига туман ҳокимлиги, 3-сектор ташаббуси билан электр тармоғи тортиб берилди, 7 та тик қудуқ қазилди. Улар ерларни ўзлаштириш, ҳосилдорликни оширишда қўл келмоқда.

Экин майдонлари олдига “Дамас” автомашинаси келиб тўхтади. Ёшлар кластери раҳбари, Мавсумжон Умаров ёшлар кечган сўхбатимиз янада мароқли бўлди.

Тошкент шаҳридаги иссиқхоналарда ёлланма ишчи сифатида ишлаб тажриба тўплаган қишлоқ боласи ўз маҳалласида янги ерларни ўзлаштириш ташаббусини илгари сурганида кимдир ишонди, кимдир эса йўқ. Сувсиз, тош-шағал жойда экин экиб бўладими? Аммо тақлиф туман мутасаддилари томонидан қўллаб-қувватланди, синов тариқасида 15 гектар ер ажратиб берилди.

— Авваллари бир қарч ерда мустақил деҳқончилик қилиш амри маҳол эди, — дейди кластер ҳўжалиги раҳбари. — Бандан 200 миллион сўм имтиёзли сармоя олиб, 54 нафар тенгқурларим билан ҳамжиҳатликда 6 сотихдан иссиқхона қурдик. Тош-шағалдан тозаланган ерларга саз тупроқ солиб, бодринг кўчатлари экилди. Утган йили ўзимизникидан ташқари, ташқи бозорга ҳам 60 минг АҚШ доллари миқдорига маҳсулот экспорт қилдик.

Экин майдонларини томчилатиб сугориш йўлга қўйилди. Бу сув таъминоти билан боғлиқ етишмовчиликларнинг олдини олиш, ортиқча сарф-ҳаражатларни қисқартириш имкониятини бермоқда. Айни кунда бу ҳудудда 70 гектар майдонда ёшлар ташаббуси билан эртаги бодринг, помидор

етиштириляпти. Бу бежиз эмас. Авалло, маҳалла ёшлари бу каби экинларни етиштиришда яхши тажрибага эга. Кўчатлар уй шароитида кичик ҳажмдаги иссиқхоналарда ўстириб олинган, катта майдонларга ўтказилади. Эрта пишиб етилган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда харидордир. — “Зилол”, “Гулбод”, “Шалоба” маҳалла-ларида “Ёшлар дафтари”га киритилган 1441 ёшнинг 400 нафари иш билан таъминланди, — дейди туман ички ишлар бўлими бошлиғи, 3-сектор раҳбари Муроджон Қундузов. — Шу мақсадда фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни ўзлаштириш борасидаги ишлар бир дам тўхтагани йўқ. Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан умумий қиймати 8 миллиард сўм бўлган лойиҳа ҳам амалга оширилмоқ-

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛанаДИ

КАСБИМИЗ ФИДОЙИЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиса Мурожаатномасида: “Умумтаълим мактабларидаги таълим сифати пойтахтда ҳам, олис қишлоқларда ҳам юқори бўлиши шарт. Бунинг учун чекка ҳудудларда мактабларни малакали кадрлар билан таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади. Жумладан, бошқа тумандаги олис мактабга бориб, дарс берадиган ўқитувчилар ойлгига 50 фоиз, бошқа вилоятга бориб ишласа — 100 фоиз устама ҳақ тўланади”, дея таъкидлаган эди.



Айни шу ғоя Президентимизнинг жорий йил 11 январда имзоланган “Олис ҳудудлардаги бюджет таъшилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ўз аксини топди. Халқ таълими тизими ривожига салмоқли ҳисса қўшадиган бу меъёрий ҳужжатнинг қабул қилиниши республикамизнинг барча ҳудудда таълим сифатини ошириш, энг чекка ҳудудларда ҳам ўқувчиларга замонавий билимларни эгаллаши учун муносиб шароит яратишда муҳим пойдевор бўлди.

Жамиятда ўқитувчининг мақомини юксалтириш, мавқеини ошириш, ижтимоий таъминланганлик даражасини кўтаришга қаратилган бу каби ислохотлар шуқури бухоролик ёш педагоглар оиласини ҳам четлаб ўтмайди. Инглиз тили ўқитувчиси Фаррух Муродов ҳамда турмуш ўртоғи Наргиза Қувнова олис ва чекка ҳудудда ишлаш, таълим сифатини оширишдек хайрли ишга ҳисса қўшишни истади. Шу мақсадда Халқ таълими вазирлиги билан боғланди. Уларга Бухоро билан чегарадош Навоий, Самарқанд, Қашқадарё вилоятининг чекка ҳудудларидаги мактабларда ишлаш тавсия этилди.

Эр-хотин маслаҳатлашиб, Нуробод туманининг Арғон қишлоғидаги 54-мактабда дарс беришга қарор қилди. Вилоят марказидан анча узоқда жойлашган қишлоқ аҳли, мактаб жамоаси инглиз тили ўқитувчиларини самимий кутиб олди. Уларга ўзлари таълим берадиган мактаб яқинидан уй ажратилди. Яшаш учун зарур шарт-шароит яратилди.

Нуробод туманининг олис ва чекка ҳудуди — Арғон қишлоғидаги 54-мактабда йиллар давомида инглиз тили дарси ўтилмаган, таълим сифати қоникарисиз деб топилгани учун “қизил тоифа”га киритилган. Бу ҳолат ота-оналарнинг эътирозига ҳам сабаб бўлаётганди. Ана шу гўшага бухоролик оила — инглиз тили ўқитувчиларининг келгани мактаб ўқувчилари, ота-оналар учун ҳақиқий байрам бўлди. Янги муаллимлар қисқа вақтда таълим сифатини оширишга бел боғлади. Инглиз тили дарслари юқори савияда ташкил этилди.

ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ АВЛОД

ВАТАН БЕРГАН ИШОНЧ

Умида 2-3 ёшга кирганида мозаика ва конструкторли ўйинларни кўнот билан ўйнар эди. Отаси ва опалари донга сурганда ҳам, худди катталардек синчковлик билан ўйинни кузатар, бутун эътибори шахмат доскасида бўларди. Шунданми, ота-онаси қизалоқни “кичкина синчи” деб чақирарди. Беш ёшга етганида эса Умида ҳам катталар билан мустақил шахмат ўйнай бошлади.



Онасининг эсласида, у кўгирчоқлардан воз кечиб, от ўйнатиб, фил сурар эди. Машгулотларга шу даражада қизиқиб кетдики, опаларининг мактабдан, отасининг ишдан келишини интизорлик билан кутиб ўтирарди. “Кичкина синчи” шу тарика шахмат сир-асрорларини ўргана бошлади. Ундаги иштиёқи кўриб, хурсанд бўлган отаси Умидани шахмат тўғрисида олиб борди. Мураббий кизнинг пухталлиқ ва диққат билан шахмат ўйнашини кўриб, жуда қувонди.

Болалигидан тафаккур машқи билан мунтазам шуғулланиб келаётган Умида Омонова бугун ота-онаси ва устозлари ишончини оқлади, дея баралла айта оламиз. Чунки у шахматда юксак ютуқларга эришди. Ҳозир пойтахтимиздаги 266-мактабнинг 8-синфида ўқиётган кизни икки қарра жаҳон, ўн қарра Осиё ва Ўзбекистон чемпиони, десак ишонасизми?!

Интилувчан Умида 11 ёшида Хитой Халқ Республикасида ўтказилган Осиё чемпионатида 9 имкониятдан 8,5 очко жамғариб, спорт усталигига номзод талабини бажарди. Шу йили мазкур мамлакатнинг Панжин шаҳрида ташкил этилган Осиё чемпионатида 13 ёшга қизлар ўртасида шахматнинг стандарт, блиц ҳамда рапид ўйналишида юқори ўринларни банд этиб, иккита олтин ва

Дардан сўнг ўзлаштириши суст болалар билан индивидуал машгулотлар ўтказилди. Бу ўқувчилар қалбидаги орзуларга қанот бағишлади. Яқинда Халқ таълими вазирлиги ушбу мактабга бориб, ўз касбининг устаси бўлган фидойи педагогларга миннатдорлик сифатида “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси” кўрак нишонини топшириб келди.

— Арғон қишлоғи дашт, деярли чўлдан иборат. Туман марказига 45-50 километр йўл босиб керак. Автобус кунда бир марта туман марказига қатнайди. Аммо қишлоқ аҳли очикқўнғил, меҳрибон, мард, олижаноб инсонлар. Улардаги самимият, софлик кишини ҳайратлантиради. Катта-кичкининг ўқитувчига ҳурмати банд, уларни эъзозлайди. Шундай пайтда педагогик касбини танлаганимдан хурсанд бўлман, — дейди Фаррух Муродов. — Бизни олис масофадан келиб, шу ерда ишлашимиз учун қизиқтирган ягона сабаб фақат устамалар эмас. Ўқитувчилик касбига ҳурматимиз боис, болаларнинг чет тилини ўрганиши учун ёрдам беришга келганмиз. Салоҳиятимизни синаб кўриш, болаларнинг таълим олишига ҳисса қўшиш истағи устунлик қилди. Уларнинг кўзига қараш, илгима чанқоқлигини кўриш, ана шу эътиёжни қондириш бахтини мен сўз билан ифодалай олмаيمан.

Наргиза Қувнова аввалига турмуш ўртоғи билан олис ҳудуддаги таълим масканига бориб ишлашга иккиланган. Бегона жойга тез мослашиб кетармиканмиз, деган хавотир уни бироз безовта қилди. Бироқ касбига фидойилик иккиланиш ва ҳадикни енгилшга ёрдам берди.

— Келганимизда назарим тушгани болаларнинг юзидаги ҳаяжон бўлди, — дейди муаллим. — Уларнинг кўзи ёниб турарди. Ўқувчилар учун инглиз тили янги фан, биринчи синф боласи дарсда қандай ўтирса, 11-синф ўқувчиси ҳам худди шундай эътибор билан сабоқни тинглайди. Ўқувчиларнинг чет тилларга қизиқиши банд, улар жуда ҳам фаол.

Ўзига қулай шароит, туғилиб ўсган маҳаллани ташлаб, бошқа ҳудудга бориб ишлашга қарор қилиш инсондан касбига муҳаббатни талаб этади. Чет тили ўқитувчиларининг сўзларини тинглаб эканман, киши кўз олдига улғў ёзуви Чингиз Айтматовнинг “Биринчи муаллим” асариди Дуйшен гавдаланади.

Президентимиз соҳа ривожига бағишланган йиғилишларда ўқитувчиларни рағбатлантириш ҳақида сўз юртар экан, “Уларнинг ойлгигини миңг АҚШ долларига чиқармагунча тўхтамаймиз”, дея таъкидлаган эди.

— Мен фаолият юритаётган мактаб ҳам олис, ҳам таълим сифати паст бўлиб, “қизил тоифа”га киргани учун иш стажимдан келиб чиқиб, устама белгиланган, — дейди Фаррух Муродов. — Соҳада фаолият бошлаганимга ўн йилдан ошгани сабабли қирқ фоиз устама оламан. CEFR сертификатига эга, биринчи тоифали педагогиким қўшимча ўттизи фойзлик устама олиш ҳўқуқини беради. 1,5 ставка дарс бераман. Жами 10 миллион 490 миң сўм қўлимга тегади. Бу 1000 АҚШ доллари дегани. Аввал олган маошимдан уч баравар кўп. Мен бемалол айта оламан: олий маълумотли, дипломли, чет тилини билган мутахассислар учун бу зўр имконият.

Айни пайтда Фаррух ва Наргизага ўхшаган бошқа ўқитувчилар ҳам Нурободга келиб, дарс берапти. Уларнинг деярли ҳаммаси 1,5 ставкадан дарс соатига эга.

Олис ва чекка ҳудудларга бориб ишлаш истагидидаги ўқитувчиларга қўшимча қулайлик яратиш учун Халқ таълими вазирлиги томонидан “Янги Ўзбекистон устозлари” лойиҳаси йўлга қўйилган. Шу орқали педагогларнинг ҳўжжат топшириши учун қулай шароит яратилляпти. Бу эса, ўз навбатида, таълим жараёнининг барча босқичини замонавий талаблар асосида ташкил этиш, ўқитиш сифатини юксалтириш, соҳага малакали ўқитувчиларни жалб қилиш ва жамиятда уларнинг мавқеини оширишда муҳим омил бўлади.

топтиради. Шу боис, мазкур йўналишни омдалаштириш ижтимоий сивасатнинг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли спортчиларнинг жаҳоннинг нуфузли мусобақаларида қатор ғалабаларни қўлга киритиб, халқимиз салоҳиятини бутун дунёга намойён қилмоқда. Умида ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланаётган ёшлардан.

— Умиданинг ўзига ишончи аввалдан банд эди, — дейди мураббийи Владимир Егин. — Шунингдек, шахматдаги ҳар бир қоидали кўнот билан ўрганар, тенгдошлари ўйинини ҳам ўта зийраклик билан кузатар эди. Мана шу интилишлари унинг катта ютуқларни қўлга киритишига сабаб бўлди. Мен ундаги тиришқоқликини жудаям қадрлайман.

Халқнинг, ота-онасининг ишончини оқлаган, кўпчилик эътирофига, мураббийларининг таҳсинига сазовор бўлган Умида Омонова жорий йилда Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланди. Албатта, бу ютуқ унинг зиммасига янада улкан масъулият юкляпти.

— Юксак ва эзу мақсадларни қўзлаган инсон жиддий изланиш, шижоат билан яшаш лозим, — дейди Умида Омонова. — Бугун бизнинг интилимимиз, юксак марраларни забт этишимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Президентимиз Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлаганида ўз олдими янада катта мақсадларни қўйдим. Ватанимиз номини юксакларга кўтариш учун тинмай ҳаракат қилишим, ўз устимда ишлашим зарурлигини англадим. Мен, албатта, тинимсиз изланаман ва Президентимиз ишончини оқлайман. Тенгдошларимга ўз орзулари ва талланган касби йўлида ҳеч ҳам толмасликни тилаймман. Бугун юртимизда барча соҳалар ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Бундан қўзланган мақсад: ёшларнинг билими ва етуқ кадр бўлиб етишиши, жаҳон минбарларида байроғимизни банд кўтариши. Ана шундай эзу мақсад йўлида ҳаракат қилаётган Умида каби ёшлар учун юртимизда барча имконият муҳайё.

Феруза ЖўРАЕВА, журналист

ЧЎПОН ҲАЁТИНИНГ МАЗМУНИ



Шодмонкул САЛОМ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

"Боботовни ютдим! Бойсунтовни ютдим!"
"Шу гапни уч марта айтсанг бўлди, ўзи яхши бўлиб кетади..."

Саксон ёшли бобо кунчиқарга қараб туриб олти-етти ёшлардаги болакайга шу сўзларни гапирартир. Болакайнинг лабида мазмунли бир ҳаёт чизмаси. Буни улар "эзувлик" дейишади. Лабнинг икки чети ачишиб, намланиб озор берувчи бу иллат қўлчица ўсмир болаларда, қишдан сўнг, илк баҳор ойларида кўпроқ чиқади. Қон суялиб, иллик узилга бошлаган паллада пайдо бўлади у. Шунда тонг вақти, болани кунчиқар томонга қаратиб ўтиргизишади-да, оғзига отнинг юганининг сувлигини солишади. Муздай металл сувлиқ қилвираб, оғрик бериб турган ярага бирлам ёқиб кетадики, буни ўша дардни бошдан кечирган киши билади. Бу — ирими!

Халқнинг минг-минг йиллик тарихида Кўёш Худосига, Ой Худосига сизиниб, отлик, пийёда дашт кезиб юрган паллариди пайдо бўлгандир бу гап-сўзлар балки, ҳарнечук бу ажаб таомил асосида эътиқот ётади. Бўлмаса, муштайгина бола жимидай оғзи билан сувлуқ чайнаб туриб, "Боботовни ютдим, Бойсунтовни ютдим", деб ваъда-даъво қила билармиди? Боботоғ — тоғларнинг бобоси.

Боботоғ — чўкаётган то!
Боботоғ — сувсиз то!
Боботоғ — Сурхондарёнинг шарқиди. Маълумотларга кўра, тоннинг узунлиги 125, эни 30-40 километр. Энг баланд чўқиси 2290 метр — Заркоса. Палеоген ва Юра даври оҳактошлари, гип, алевролит кум тошларидан таркиб топган. Қирлари адоғиде чағаноқлар кўп.

Нух алайҳиссаломнинг кемаси бу манзилларда ҳам чайқалиб сузиб ўтганига ишонгим келади. Неча миллион йиллар бурун дунёни тўфон эгаллаб, сув олганида бу асим қирлар ҳам сув остиде қолган. Эҳтимол, сув чайқалишдан сўнг тўқинлар авжи билан пайдо бўлгандир бу қирлар. Чиганокли қатламларнинг ёши миллилард йиллардан хабар беради.

Ана шу тоннинг қўшни Тожикистон билан чегара ҳудудларида "Тебатнинг хавори" деган манзил бор экан. Бутун дунёга "қорақул терининг макони" бўлиб танилган бу манзилга бордим.

Ва башарият бино бўлиб, андиша ва ҳаёни англагандан бери бузилмай сақланиб келаётган одамлар ва қадриятларни кўзим билан кўрдим. Уч юздан зиёд хонадондан иборат бу кенгликда бир-бирдан узоқда яшайдиган қишлоқлар бор экан. Узимга йўлдош қилиб маҳоратли фотографни олиб келмаганимга ўқи Рўзи Чориевдай мусаввир эмаслигимга надомат ҳам қилдим. Бу манзилларда одамнинг ўз-ўзидан хайкиргиси, қўшиқлар айтгани келадими?! Одам аплатовур хисларнинг асири бўлиб қолади. "Ҳай ёрааа!" деб чўпон боболар айтган термаларни кўнгил тусайди. Одам асли эркинликнинг фарзанди экани томиримдаги қадим қоним гулуриб кетади.

Тебатнинг хавори дегани Кумқўрган туманига қаршли табиатнинг бир кенглиги. Жарқўрганга туташган. Боботоғнинг туғаш жойидан бошланган. Боботоғнинг азим чўқилари маёқда ўтирган қоровулдай кўр тўкиб ўтиради — кўриниб туради. Аммо унга етиб боргунча ман деган йиғит ҳам бўларича бўлади.

Алқисса, шу азим даштда йўлдош ҳожи Ғўҷиев деган саксондан ошиб, кампири билан фарзандлари неваралар камолидан шукронага келиб турган оқоқчилик хонадониде меҳмон бўлдим. Энг яқин қўшнисининг уйи уч ярим чақирим, мактаб етти ярим чақиримда.

Гап, чўпон бобонинг қизик қисмати, ҳаётда топган йўли, барака топган чўпон таёғи хусусида бўлди.

— Эй, шоир улим, бу Тебатнинг хавориде менинг кўзимнинг ёши томмаган жой қолмади. Миннат бўлмасин! Берган давлатигаям, берган дардларигаям кўп шукр! Беш ёшимда отадан етим қолдим. Энам бечоранинг бир гапи-дуси кулгоғида кўроғишдай қотди: "Сен сағирнинг ҳам уйинг бўлса, уйингдан икки овора манглай терлаб чиқса, шу кунларни кўрсан — армоним йўқ!" Худойимдан айланай! Ун икки ёшимда уч юз эллик туяга тўябоқар бўлдим. Қакайдаги обориб сувлаб келгич эдим...

Ун олти ёшимда Соат чўпонга чўлик бўлдим. Кейин Узимга колхоз кўй санаб берди. Кимсан бош чўпон бўлдим. Шу даштдаги қўтонимга келмаган катта қолмади. Ҳар юз бош совлиқдан икки юз-икки юз ўттиз кўзи тўл олганимда кўрагимга орден тақийди. Мукофотга "Урал" лўлка беришди. Кейин ишимни бутун Сурхонга кўз-кўз қилди, чўпонлар тажрибага келишди. Энам бечора айтгандай "уйимдан икки оворанинг манглайи терлаб чиқди." Энам шу кунларни ҳам кўрди. Кўп шукр... Чўпон бобо гапирляптию кўзимга уруш етим қилган авлодларнинг захматли ҳаёти кўриниб кетди. Яна бугунги ёшлар ҳам. Ун тўрт ёшли ўғлимга қоронги тушгандан сўнг дўқондан нон олиб кел десам, "бир ўзимми?" деб онасига жовдирайди. Бир кўзи телевизорда...

Мана бу қаршимда ўлтирган сўяқлари йирик, саксон ёшли оқсоқол 1953 йилда уч юз эллик бош туяга чўпон бўлган. Қарийб 50-60 километр жойга туяни ҳайдаб, кун ора сувлаб келган. Туя деган жонивор 7-8 минг йил бурун қўлга ўргатилган бир ўшар жонзодким, баҳорда оғзидан қўлқоч кўтуриб кетади — катта одам олдида бориша юраги доб бермайди. Аммо йўлдош бобо, ўша вақтдаги йўлдош етим туяга, туя галасига зўрини ўтказган. Бу



ҳақдаги иккиланишимни чол илғади, чоғи, изоҳ берди:

— Элда шундай гап юради: илон кўвса, жоналаб (ёналаб, деётир) қоч. Туя кўвса сойга қоч. От кўвса гўрга қоч! Илон ёна бетда ўзи думалаб кетиб, сенга зиён беролмайди. Туя тепадан пастга чополмайди. Лўқиллаб орқада қолиб кетади. От кўвса гўрга қоч дегани, отдан қўтулиб бўлмайди. Отнинг деви бор. Қўлимдаги чўқморли заран билан туянинг уорбоши си қора нортуйани ётган вақтида бесабаб тумшугига урдим. Туянинг жони оғриди. Уқириб туриб қочди. Бутун галадаги туялар буни кўрди. Ичиде "бу баччагар жоман экан, айтган томонига жураберайки" деган бўлса керак-да. Шуйтиб тўябоқар бўлдим. Энажоним кўзи тўрт бўлиб қўтиб ўтиргич эди: "Келдингни, кўзим. Туя торпиб (ҳужум қилиб, жароҳатлаб) ташламадим, деб ўтирибман" дерди. Мен бўлса: "Эна, ўзингиз айтасизку, Хизрбобо йўлдошинг, деб. Хизр бобом кўрийдим мени," деб тасалли бераман. Энам: "Илоийм, шундай бўлсин-да!" деб милдирабгина дуо қилади.

Олти ёшда эдим. Оқмачит деган жойда лалми бугдой эккан эдик. Шу бугдой пишиди, ўриб эшак билан галағов қилдик. Бугдойни шопириб, қолга солдик. Икки сентирдан кўп бўлди. Буни эшакка ортиб уйга оббориси керак. Энам: обориб ҳам-сосяни чақириб кел, ортишиб юборсин, деди. Ҳамсосяни ичикоралик қилдимки, ё ўзи чини билан касалмикан, келмади. Укам эшакни нўхтасидан қимирлатмай ушлаб турибди. У тўрт яшар эди. Мен эшакнинг устида тикка турибман. Энам қолнинг учини менга ушлади. Узи пастдан кўтарди. Қоп эшакнинг устига етай-етай деб қолганда, энамнинг кучи етайга яна пастга тўшиб кетди. Оғрида! Охири, энам аламдан йиғлаб юборди.

Сўнг бўйим аралаш елкамга бир мушт урди: "Қачон катта бўласан, қачон одам бўласан?" Мен ҳам, укам ҳам йиғлаб қолга тармашдик. Энамга Худо куч берди. Қўни эшакка ортиб олдик. Сўнг хурсанд бўп уйга келдик.

Бобонинг чўпонлик, қорақул терисига ихтисослашган қорақул зотли кўй турига чўпон бўлиб доврўқ қозонган палласига эътибор қилсақ, жуда қизик маълумотларга дуч келамиз.

У киши 16 ёшида Соат деган арқар (бош чўпон)га ёрдამчи чўпон — чўлик бўлиб ишга ўтади. Соат бобо ёш шоғирдига дашту тоғлар сирларини, ўти мўл ёки захарли ўтлар ўсадиган манзилларни, қўйнинг фель-атворини тобиға келтириб ўргатиб боради. Зийрак, интилувчан, шоир ибораси билан айтганда, ҳаётга ўтдай тармашган ёш йиғит устознинг ҳар бир ибратидан хулоса чиқариб, ўзида татбиқ қила олади.

Чўпонлик — чўнг илмдир! Чўпон билгани баъзан академик ҳам билмайди. Думбирчиликда "Чўпонча" деган кўй бор. Халқ тилида "чўпон уйқу" деган ибора бор. Чўпон — дашт султони. Унинг ички сезимларида табиатга катта меҳр бор, инстинкт даражада улўғ бир кўрқув ҳам бор. Бу кўрқув Яратган Оллоҳдандир.

— Райондан бир эшон келди, — дея навбатдаги ихтисосини бошлади бобо. — Қорамошинда. Мошиннинг устида ўнча кўй бор экан. У кишини танимасдим. Ўзини танитди. Бекэшон деган киши экан. Авлоди саййидлардан экан. Менга: шў ўнча кўйни боқиб бер. Икки йилдан сўнг опкетгани келаман, деди. "Хўп", деб оққолдим. Ҳаммаси хисори қўйлар экан. Икки йилда эшоннинг қўйлари ўттиз бешта бўлди. Уша йили мен ўттиз беш ёшга тўлган эдим. Эшон келди. Яна шу мошинда. Икки муриди-шотири билан. Қўйни сурувдан

айриб олдиға олиб келдим. Эшонбобо: "Унтасини олиб қолинг. Бу сизнинг хизмат ҳақингиз", деди. Йўқ, дедим. Қўнмадим. Сўнг эшонбобо дардини очди. Гапнинг бўлари шулки, эшонбобо мендан олдин бошқа чўпонларга кўй қўшиб қўрибди. Бир-икки йилда бор қўйям соп бўлиб, йўқолиб "Бури еди, зовға ўқди" деган баҳоналарни эшитиб, уйга қуруқ қайтар экан. Эшонбобо қиблага бурилиб менга дуо берди. Кўп хурсанд бўлдим. Уша йили мен давлатнинг планини 250 фоизга бажардим. Ҳар юз бош қўйдан 240-250 кўзи-тўл олдим. Қўйларим қийдай қўзилади. Менга мукофотга "Москвич" беришди. Эшоним, қорамим, ким бўлсаям одамни рози қилган яхши-да...

Айни пайтда йўлдош отанинг ўғли Абдулла ака Ғўҷиев бир отар қорақул қўйнинг бош чўпони. Тагин бир невараси Файзулла йўлдошев ҳам бошқа бир отарга бош чўпонлик қилади. Ҳар бири икки мингга яқин кўй боқади. "Қўқ қаптар" деб ном олган Сурхон қорақўли мовий, туси билан товланиб Оврупо бозорларида ҳам ўз харидорини топган. Катта-катта шаҳарларда қорақул теридан тикилган пўстин ёки телпақларни кийиб юрган жаноблар хонимларни кўрсан, "Тебатнинг хавори"да заран таёғини манглайга тираб, захмат тортиб юрган азиз инсон — қоравдор чўпон кўз олдимга келади. Қарийб йўқолиб кетиш арафасига келиб қолган қорақул кетиш соҳасининг Президентимиз ташаббуси билан қайта тикланиши йўлдош ота каби кўплаб чўпонларни хурсанд қилди.

— Президентимизга кўп раҳматларим бор. Қорақўлнинг қадрини билди. Чўпоннинг қимлигини билди. Бир замонда битта бизди колхознинг 78 минг қўйи бор эди. Қани у қўйлар? Энди қайтадан тикланипти. Насиб, ундан ҳам кўп бўлади. Ҳамма шароитлар қилинапти. Илғари бу бизга эртақдай эшитиларди. Энди кўнгиллимиз кутарилиб катта ишларга бел боғладик. Худого шукр!

Молнинг туёғидан қаттиқ одам молдор бўлади. Бу гап рости. Бу гапдаги қаттиқ сўзи, хасис маъносиде эмас. Аксинча, қаттиқ, мустаҳкам иродали деган маънадуради. Шунинг учун ҳам "Дехқон ёқанда (ёмғир-қор), чўпон ўлганда тинади", деган мақол пайдо бўлганки, чўпон тирик жон билан муомала қилади. Қўйнинг ҳам қўнгли борлигини, уни англаш, тушуниш лозимлигини чўпон билади.

Чорвада "Олмас" деган тўмтоқ термин бор. "Олмас" терминининг давоми қўйидагича: "Олмас қўй", "Олмас эчки". Маъноси бундай: бирор ёш қўй қўзилганда боласини бегона қилиб, танимай қолади-кан одати бор. Онасини эмиш учун келган қўзқоқчи она совлиқ тепади, сузади. Қўзқоқч майиб бўлади. Буни билган чўпон совлиқнинг бўйиндан қучоқлаганча, қўйнинг оёқларини ушлаб туриб бир қўшиқ айтади. Бу қўшиқ қўйни ийдиради. Боласига меҳр уйғотади.

*Тўрай-тўй, тўрай-тўй,
Ол боланени, жонивор,
Ол боланени, эсли кўй.
Тўрай-тўй, тўрай-тўй...*

Бу қўшиқни баъзан чўпоннинг аёли айтади. Аёлининг овозида мунг бор, меҳр бор, сеҳр бор.

Саратоннинг қариқ қунида пешонадан кун ўтиб, шиқнинг изиллаган қаҳратониде сурувни ёйиб юрадиган, қишда қўтондаги шотрага ботиб, ёзда қанг ютиб, қийган қийимнинг ранги ўнгиб

юрадиган чўпоннинг таёғида Хизр алайҳиссаломнинг қўл изи бор дейдилар. Мен бу гапга жуда қаттиқ ишонаман! Чўпоннинг таёғи халқ орасида қасам ўрни турадиган муқаддас матоҳдир. Яъни бировни иккинчи бир киши нимададир, дейлик ўғирликда айбласа, айбланаётган киши буни тан олмаса, эл йиғилади. Ва ўртага чўпоннинг таёғини ташлайдилар. Ва айбланувчи ҳам, айблаётган киши ҳам ўз сўзини айтиб, ёқасини ушлаб, таёқдан қатлаиди. Бу — қасам! Агар айбланаётган киши чиндан ҳам ўғирлик қилган бўлса, унинг ҳаётида албатта, ўзгариш бўлади. Буни даҳо эл қалби дарров пайқайди. Хулосасини айтади: ана, Худо кўрсатди. Бировнинг молини урган экан, жазосини олди!

Шу сабабдан ҳам нақл бор: "Чўпоннинг таёғидан, келиннинг оёғидан". Ушбу тугалланмай қолгандек тугулвчи гапдаги маъму қут-барақа ҳақидадир. Чўпоннинг таёғи барақали келса, йил яхши бўлади, экин-тикин авж қилади. Чорва барор олади.

Янги тушган келиннинг пойи-қадами хайрли келса, беморлар шифо топади, бефарзанд кишилар тирноқ қуради. Ана шу табаррук таёқ ерда қолмаслиги керак. Йўлдош оқсоқолнинг таёғи ҳам ерда қолмади. Фарзандлар бу таёғни кўзига суриб, ота бошлаган ишни давом эттирмоқда.

Йўлдош ҳожи бир мақол айтди. Бу мақолни айтишга сабаб у кишининг оилавий ҳаёти ҳақидаги мазмуға кўчганим бўлди.

— Отадан беш ёшимда етим қолган бир сағир эдим. Оллоҳ ўнча фарзанд — тўрт ул, олти қиз берди. Ҳаммаганиси омон-эсон юрибди. Худого шукр! Ўғилларимнинг учтаси чорва соҳасида. Эшмуинбой чорва бўйича ихтисодчи, Абдуллабой арқар, Хайруллабой ферма мудири. Кенжа ўғлимиз ўқийман, катта одам бўламан деб, Тошканга кетди. Умри узоқ бўлсин, унинг кетганим яхши бўлди. Шаҳардаги ишларнинг ҳаммаси шу кенжанинг бўйида. Қизларим паллоҳмон тошдай бўлиб ҳар қайсира ҳар жойда, палак ёзиб ашаб юрибди. "Бир отар қўйни боқийдан кўра, бир қизни боқий қийин!" Бу — мақол! Қизларим ҳам Худого шукр, бетимизни ерга қаратган йўқ!..

Республикамизда ягона бўлган, қорақул зотли наслчиликке ихтисослашган "Сайхон-Боботоғ сури" наслчилик ширкат хўжалигида бугун чоравдор чўпонларимиз қарийб 30 мингга яқин қўйни боқийда. Чори Сатторов раислик қиладиган ушбу хўжалик туманининг, вилоятнинг ўзига хос ихтисодий таянчи, айни дамда фахри хамдир.

Мени Боботоғ қўеишдай иссиқ меҳр билан қўтиб олган меҳоблар худди ўшандай илиқ тафти билан қўзатиб қолдилар. Хайрлашув чоғида ҳожи отанинг ўғлига хайрлашдим:


— Хайрулла ака, келгуси йил баҳорда таътилга чиқиб олдингизга келаман. Мени бир ойга чўпонликка ишга олмасиз. Мияларим би-ир дам олиб қайтаман!

— Бўлди, гап йўқ! — деди у табассум билан.

Аммо қани энди ундай қилосан, қилолмайман. Энг унрағи, телпеграмдаги хабарларсиз беадоқ даштда бир кун ҳам туролмайман. Ана шундай — темир матоҳларнинг асири бўлиб қолаётган юрагим бу даштларда бир тўлди, тошди, тўқилтим келди.

Тўқилдим...

ТАҚДИМОТ



800 дан зиёд термин ИЗОҲЛИ ЛУҒАТГА ЖАМЛАНДИ

Муножат МҶМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Она тилимизнинг нуфузини ошириш, унинг миллат кўзгуси, миллий гуруримиз сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Зеро, мамлакатимизда бўлаётган улкан ўзгаришлар, амалга оширилаётган туб ислохотлар, илм-фан тараққиёти, бошқа давлатлар билан олиб борилаётган яқин ижтимоий-иқтисодий алоқалар тилимизда ўз лисоний ифодасини топмоқда.

тазимига муносиб кадрлар тайёрлаб бераётган институт ўқитувчилари фаолиятида муҳим ўрин тутиши аниқ. Энг муҳими, иш берувчилар ҳам ўзбек тилини мукаммал билладиган мутахассисларга кўпроқ эҳтиёж сезмоқда.

Таъдир аввалида Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти мудири Абдуғаффор Қирғизбоев мазкур луғат банк-молия соҳаси учун дебона экани, келгусида юксак салоҳиятли мутахассислар кўмағида бундай китоблар давомили чоп этилишини айтиб, бу борада институт ҳодимларини ҳамкорликка чақирди. Китоб муаллифлари — Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини профессор-ўқитувчилари ғоят муҳим, катта ишни амалга оширганлари эътироф этилди. Тақдимотда сўз олган институт ректори Тўлқин Тешабоев, проректор Алишер Тўйчиев ва бошқалар ҳам муаллифларга машаққатли вазифани адо этганлари учун алоҳида миннатдорлик билдириб, кейинги китобни нашрга

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти турли соҳаларга доир қўлланма, изоҳли луғатларни нашр этиш орқали барча мутасадди ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш билан бирга, она тилимизнинг бойлиги, кенг имкониятларини намоян қилиб келаяптир.

Департамент бююртмасига кўра, яна бир изоҳли луғат дунё юзини кўрди. Мазкур китоб тақдимоти айнан Тошкент молия институтида бўлиб ўтгани бежиз эмас. Зеро, "Банк-молия терминларининг ўзбек тилидаги изоҳли луғати" деб номланган қўлланма банк-молия

тайёрлашда институт жамоаси асосий ўрин тутишини айтиб ўтди.

Банк-молия соҳасига оид саккиз юздан ортиқ тушунча ва иборалар изоҳини ўзида жамлаган ушбу луғатда берилган терминларнинг амалда қўлланиши соҳага оид меъёрий ҳужжатлар, ўқув адабиётлари, матбуотдан олинган мисоллар билан очиб берилган.

Китоб Давлат тилини ривожлантириш департаменти бююртмаси, Ўзбек тилини ривожлантириш жағмармаси маблаглари ҳисобидан "Innovatsiya-Ziyo" наشريёти томонидан лотин ёзувиға асосланган ўзбек алифбосида нашр этилди. Ҳар галгидек департамент томонидан мазкур луғат ҳам соҳа доирасидаги барча корхона ва ташкилотларга, тегишли мутасаддиларга бепул етказиб берилади. Шунингдек, луғатдан банк-молия муассасалари ҳодимлари, олий ўқув юртилари талабалари, таъдиқотчилар, соҳа бўйича малака ошириш курслари тингловчилари ҳамда барча қизиқувчилар фойдаланиши мумкин.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти" ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўләзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" М-ЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридеги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Бююртма — 1421.
79778 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
ЎзА яқини — 00:30 Тошириқди — 01:20